


НАВБАТДАГИ “СИЁСИЙ-МАЪРИФАТ” СОАТИ БЎЛИБ ЎТДИ




НАВБАТДАГИ “СИЁСИЙ-МАЪРИФАТ” СОАТИ БЎЛИБ ЎТДИ





Ҳафтанинг ҳар жума куни Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва шунингдек, барча шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ходимлари учун сиёсий маърифат соати ташкил этилмоқда.

Бугун Музработ тумани ҳокимлигининг мажлислар залида “Сиёсий-маърифат соати” бўлиб ўтди. Сиёсий-маърифий ўқув соатида 4 та сектор раҳбарларининг ўринбосарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, аппарат ходимлари, алоқадор ташкилот раҳбарлари иштирок этишди.

Эслатиб ўтамиз, сиёсий маърифат соати Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.







Музработ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати